

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СИРОЖИТДИНОВ КАМОЛ КОМИЛОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА
ХИРУРГИК ТАКТИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сирожитдинов Камол Комилович

Жигар эхинококкозининг асоратланган шаклларида хирургик тактиканинг хусусиятлари..... 3

Сирожитдинов Камол Комилович

Особенности хирургической тактики при осложненных формах эхинококкоза печени..... 21

Sirojiddinov Kamol Komilovich

Features of surgical tactics in complicated forms of liver echinococcosis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СИРОЖИТДИНОВ КАМОЛ КОМИЛОВИЧ

**ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИНИНГ АСОРАТЛАНГАН ШАКЛЛАРИДА
ХИРУРГИК ТАКТИКАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Тиббиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib599 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назиров Феруз Гафурович

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Акилов Хабибулла Атауллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Мурод Шавкатович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги
«Н.И. Пирогов номидаги тиббий-хирургик марказ»
Федерал давлат бюджет муассасаси**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru; Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Х.К. Абралов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини,
тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Эхинококкоз оғир паразитар касаллик бўлиб, «дунёнинг кўплаб давлатларида жиддий тиббий ва ихтимой муамо бўлиб қолмоқда»¹. Айрим баҳолашларга кўра, «ҳозирги вақтда дунёда 1 миллиондан ортиқ одам эхинококкоз билан касалланган бўлиб, унинг учраши айрим эндемик ва ноэндемик ҳудудларда 200 мартадан кўпроқ фарқланади. Сўнгги ўн йилликда эхинококкоз билан касалланиш ортиб бораётгани ва касалликнинг тарқалиш ҳудуди ҳам кенгайиб бораётгани кузатилмоқда»². Ўзбекистон эхинококкоз касаллиги бўйича эндемик ҳудудлар қаторига кириб, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 5,82 тани ташкил этади ва касалликнинг барқарор ўсишга мойиллиги кузатилмоқда, йиллик иқтисодий зарар эса 5 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этади. Клиник амалиётга замонавий юқори маълумотли инструментал текширув усулларининг жорий этилиши эхинококкоз ва унинг асоратларини эрта ташхислашни сезиларли яхшилашга имкон берди. Бироқ, касалликнинг эрта босқичларида комплекс нурли текширишдан кейин ҳам тўғри ташхис фақат 46% беморда қўйилган. 37% дан 86% гача беморлар касалхонага паразитар касалликнинг клиник асоратлари босқичида даволаниш учун муурожаат қилиб, уларни даволаш кўпчилик ҳолатларда анъанавий хирургик ёндашувлар билан чекланиб қолган. Замонавий хирургияда эришилган ютуқлар ва янги технологияларнинг жорий этилганлигига қарамай, ушбу патологияда асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари камайишга мойил эмас, шу сабабли, бу йўналишдаги тадқиқотларни давом эттириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё амалиётида турли локализациядаги эхинококкоз ривожланишининг патогенезини ўрганиш, шу жумладан, географик хусусиятларни назарга олган ҳолда ушбу касаллик тарқалганлигини аниқлаш ва мойиллик яратувчи омилларни аниқлаш, касаллик кечиш оғирлигини баҳолашнинг морфо-функционал мезонларини ажратиш ва жигарнинг зарарланиши каби энг кўп ва мураккаб шаклларининг эҳтимол асоратлари гуруҳини прогностик дифференциаллашга қаратилган бир қатор илмий изланишлар давом этмоқда. Жигар эхинококкози (ЖЭ) гигант, кўп сонли, қўшма ва бошқа шакллари ривожланишининг сабаб-оқибат муносабатларини иммун ҳолат, паразитнинг ҳаёт цикли ва морфологик тури, фиброз капсула гистоструктураси ва сезилмас ўзгаришлардан то жигар циррозигача бўлган даражада гепатоцитлар анатом-функционал ҳолатига боғлиқ равишда ўрганиш давом эттирилмоқда. Киста жигар ичида жойлашганида ультраструктур ва морфологик ўзгаришларни ваўтказилган амалиётга боғлиқ равишда

¹ Benkabbou A., Souadka A., Serji B. et al. Changing paradigms in the surgical management of cysti liver hydatidosis improve the postoperative outcomes. //Surgery. 2016 Apr;159(4):1170-80.

² Marom G, Houry T, Gazla SA, Merhav H, Padawar D, Benson AA, Zamir G, Luques L, Safadi R, Khalailah A. Operative treatment of hepatic hydatid cysts: A single center experience. // Asian J Surg. 2018 Nov 13. pii: S1015-9584(18)30548-7.

амалиётдан кейинги узоқ даврда жигарнинг тикланиш даражасини ўрганиш масалалари айниқса устувор бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш миқёсини кенгайтириш ҳамда сифатини тубдан яхшилашга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу йўналишда, жигарнинг паразитар касалликларини хирургик даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида асоратланган жигар эхинококкозини хирургик даволашнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб қилинади.

Соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида жигарнинг паразитар касалликлари натижаларини яхшилаш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини сезиларли кенгайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, ЖЭ бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашда касалликнинг асоратланган шакллари ривожланиш, қайталаниш частотаси ва амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичи қисқартириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган. Шунинг билан бирга, беморларнинг бу тоифасига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун эхинококкоз патогенезини ва даволаш оқибати ногиронлик билан якунланиши эҳтимол бўлган касаллик асоратланган шакллари ривожланиши хавфини баҳолаш прогностик мезонларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тадқиқотларни давом эттириш талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган¹. Ушбу вазифаларни бажариш, жумладан, янги резекция технологияларини жорий этиш ва амалиётларнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан асоратланган ЖЭ ни даволаш натижаларни яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖЭ – ҳамма жойда тарқалган касаллик бўлиб, учраш частотаси эндемик худудларда камайишга мойил эмас. Ҳозирги вақтда эхинококкоз кистаси инсон организмнинг ҳар қандай аъзоси ва тўқималарида ривожланиши мумкинлигини кўрсатувчи кузатувлар мавжуд. «Энг кўп (70-85%) жигар эхинококкози, камроқ ҳолларда (15-25%) – ўпка эхинококкози, 3-5% ҳолларда паразитар шикастланиш бошқа аъзоларда кузатилади. Касалликнинг асоратланган шакллари 15-35% гача етади. Касалликнинг қайталиниши 6,2 дан 16,0% беморларда кузатилади» (Botezatu C¹). Эхинококкоз кўп ҳолларда беморларни ногиронлиги, узоқ вақт меҳнат қобилиятини йўқотиши, диссеминация шаклида эса ўлимга сабаб бўлувчи асоратлар билан кузатилади. Кўп ҳолларда эхинококкозни даволаш жуда қийин ва кенгайган жарроҳлик амалиётлари ҳамда давомий медикаментоз даволашни талаб этиши мумкин. Zhang C.² фикрича, «эрта ташхис қўйишдаги қийинчиликлар, фақат жарроҳлик усуллари кўллаш бу бир гельминтозни бошқа касалликлардан ажратиб турадиган ўзига хосликни аниқлайди». Буларнинг барчаси эхинококкоз ва унинг асоратларини замонавий ташхислаш ва даволаш масалаларининг долзарблигини белгилайди.

Эхинококкознинг кам ўрганилган жабҳаларидан бири касаллик қайталанишининг патогенези ҳисобланади. Масалан, Lembarki G.³ таъкидлашича, «айни дамда жарроҳлик усули билан даволашдан кейин беморда пайдо бўлган эхинококкоз кисталарининг табиатини ишончли аниқлаш мумкин эмас. Тажриба ва адабиёт манбалари эхинококкоз қайталиниши патогенези бир нечта, эҳтимол ҳар хил бўлган сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатди». Турли клиник маълумотларга кўра, қайталанишнинг етарлича юқори частотаси амалиётлар радикалликка карамай, касалликнинг қайталаниши амалиётнинг тактик-техник жиҳатларига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Ушбу масалада фиброз касулаларнинг роли борасида кўплаб баҳслар мавжуд, айнан «эхинококкоз қайталаниши эҳтимоли фиброз капсула ва перикистоз тўқималарга боғлиқ бўлиши мумкин» дейилади (Kang MK⁴). Илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинган ва аниқ ечимга эга бўлмаган амалиёт вақтида хирургик тактика масаласи ҳали очик қолмоқда. Бугунги кунда кўплаб хирурглар даволашнинг радикал хирургик усулидан кўра «ёпиқ» ёки «очик» эхинококкэктомияни афзал билишмоқда. Нафақат

¹ Botezatu C, Mastalier B, Patrascu T. Hepatic hydatid cyst - diagnose and treatment algorithm. // J Med Life. 2018 Jul-Sep;11(3):203-209.

² Zhang C, Li J, Aji T, Li L, Bi X, Yang N, Li Z, Wang H, Mao R, Lü G, Shao Y, Vuitton DA, Wen H, Lin R. Identification of functional MKK3/6 and MEK1/2 homologs from *Echinococcus granulosus* and investigation of protoscolecidal activity of MAPK signaling pathway inhibitors in vitro and in vivo. // Antimicrob Agents Chemother. 2018 Oct 22. pii: AAC.01043-18.

³ Lembarki G, El Benna N. Echinococcal Cysts in the Liver. // N Engl J Med. 2018 Jul 12;379(2):181.

⁴ Kang MK, Kim KH, Choi JH. Hepatic cystic echinococcosis due to *Echinococcus granulosus*, grossly observed by needle aspiration. // Korean J Intern Med. 2018 Jun 7. doi: 10.3904/kjim.2018.155.

паразит, балки унинг бириктирувчи тўқималарини радикал олиб ташлаш амалиётининг ҳиссаси у қадар катта эмас – 3,8-30% ни ташкил этади. Бирок амалиётдан кейинги асоратларнинг юқори частотаси (34-50%) ва кўплаб амалиётдан кейин касалликнинг кўплаб қайталаниш ҳолатлари (15-64%) усулнинг етарлича самарали ва ишончли эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари¹, «амалиёт натижаларига кўп ҳолатларда паразитар киста олиб ташлангандан кейин ҳам унинг ипчалари сақланиб қолиши билан боғлиқ жиддий асоратлар таъсир кўрсатади (йиринглаш, қон кетиши, ташқи сафро ва йирингли оқмалар ҳосил бўлиши)». ЖЭ асоратларини даволаш жигар резекцияси шаклида эхинококкоз кистаси билан бирга жигарни радикал олиб ташлаш ёки касаллик қайталанишини олдини олувчи қўшимча муолажа билан бирга эхинококкотомияни амалга ошириш лозим.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЖЭ да даволаш-ташхислаш тактикаси ҳозирги вақтда замонавий соғлиқни сақлашнинг энг долзарб ва охиригача ҳал этилмаган муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жигарнинг эхинококк билан зарарланиши бўлган беморлар сонининг жадал ортиб бориши, даволаш тактикаси масалаларидаги ёндашувларнинг турлилиги ва даволаш натижаларининг қониқарсизлиги ушбу касалликнинг клиник жиҳатларини ишлаб чиқишни давом эттириш заруратини белгилаб беради. Замонавий хирургик даволаш-ташхислаш технологиялари, янги гемостатикнинг қопламаларнинг пайдо бўлиши, трансфузиология ва реаниматология ютуқлари ЖЭ асоратланган шаклларини даволаш муаммосини янги ҳолат ва замонавий даражада ўрганиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишларининг «Жигарнинг ўчоқ ҳосиласини ташхислаш ва хирургик даволашнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ИТСС-4-1 амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2012-2014йй).

Тадқиқотнинг мақсади янги резекция технологияларини жорий қилиш ва оператив амалиётларнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан асоратланган жигар эхинококкозини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қорин бўшлиғи аъзоларининг гидатид зарарланишида жигар эхинококкози асоратларининг ривожланиш частотасини аниқлаш;

эхинококкоз пайдо бўлган элементларининг фиброз капсула билан ўзаро таъсиринининг морфологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга ультратовушли кавитаторнинг таъсирини ўрганиш;

жигар эхинококкозининг асоратли шаклини хирургиянинг янги резекция технологиясига жорий қилиш, кистанинг топографик жойлашуви

¹ Ramia JM, Serrablo A, Serradilla M, Lopez-Marcano A, de la Plaza R, Palomares A. Major hepatectomies in liver cystic echinococcosis: A bi-centric experience. Retrospective cohort study. // Int J Surg. 2018 Jun;54(Pt A):182-186.

ва конфигурациясидан келиб чиқиб улардан фойдаланиш истиқболлини белгилаш;

бирламчи жигар эхинококкозининг асоратли шаклини хирургик даволаш усулини такомиллаштириш;

бирламчи жигар эхинококкозининг асоратли шаклини хирургик даволаш усулини такомиллаштириш самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2006-2017 йилларда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-тадқиқот марказида жигар ва бошқа аъзолар эхинококкози билан амалиёт бажарилган 256 нафар беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб жигар эхинококкозининг асоратли шаклини хирургик даволаш натижалари, амалиёт вақтида ва кейинги асоратлар ривожланиши ва касаллик қайталаниши хавфи омилларини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига ва белгиланган вазифаларга эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, нур текширув усуллари), морфологик ва статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорин бўшлиғининг барча гидатид зарарланган аъзолари таркибида бирламчи ва қайталанган жигар эхинококкози асоратланган шакллари ривожланишининг патогенетик хусусиятлари очиқ берилган;

жигар эхинококкози асоратланган шакллари кечишининг морфо-функционал хусусиятлари асосида хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатлари такомиллаштирилган;

жигар эхинококкозининг маҳаллий қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаёт қобилияти сақланиб қолган протосколекслар аниқланган фиброз капсуланинг морфологик структураси аниқлаштирилган;

жигар эхинококкози хирургиясида қолдиқ бўшлиқ ультратовушли кавитациясини қўллаш ("CUSA Excel[®]", "Ultracision", "LigaSure") фиброз капсуладаги куртак элементларини ҳам ҳисобга олган ҳолда абсолют паразитоцид таъсирга эришиш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалиётлар натижаларини яхшилаш ва амалиётдан кейинги реабилитация муддатларини қисқартириш имконини берувчи бирламчи ва қайталанган жигар эхинококкози асоратли шаклини хирургик даволашнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган;

таъсир соҳасида протосколексларнинг парчаланишига сабаб бўлувчи қолдиқ бўшлиқнинг ультратовуш кавитацияси эхинококк куртак элементларига таъсир этувчи энг самарали физик усуллардан бири эканлиги *in vitro* шароитида исботланган;

асоратланган ЖЭ хавф гуруҳларида шароитнинг омилли таҳлили ва ушбу патологияда хирургик тактикани танлашнинг замонавий позицияларига асосланган даволаш-ташхислаш чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган;

жигарнинг етиб бориш мураккаб бўлган соҳаларидаги эхинококкозда минимал қон йўқотган ҳолда паразит кистасига етиб боришга максимал имкон берувчи резекция технологиялари ва амалиёт вақтидаги ультратовуш навигациясининг аҳамияти аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда келтирилган муаммоларни ечишда қўлланилган усуллар замонавий илмий-амалий қарашлар ва жигар эхинококкози бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашга ёндашишларга асосланади. Тадқиқот хулосалари Стюдент мезони ва ишончли интервал ҳамда эҳтимоллилиқни ҳисобга олган ҳолда вариацион таҳлил қилиш билан замонавий математик статистика усулидан фойдаланиб қайта ишланган натижалар асосида қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, жигар эхинококкозининг асоратли шакли бўлган беморларни даволашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. Қорин бўшлиғи аъзоларини гидатид зарарланиши таркибида бирламчи ва қайталанувчи жигар эхинококкозининг асоратли шакли ривожланиш частотаси ўрганилган. Морфологик тадқиқотлар эхинококкэктомиядан сўнг фиброз капсулани қайта ишлашда ультратовушли технологиялардан фойдаланиш протосколексларга мутлақо паразитоцид таъсир кўрсатган ҳолда самарадорлигини исботлаган, бу эса жигар резекцияси учун кўрсатма бўлмаганида мажбурий альбендазол ҳосилалари ёрдамида адьювант кимётерапия ўтказиш шарти билан фиброз капсулани сақлаб қолиш имконини берган. Ишнинг айрим натижалари жигарнинг ҳажмли касалликлари билан беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича магистрлар, курсантлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, асосий хулоса ва тавсиялар турли даражадаги тиббиёт муассасаларида асоратланган жигар эхинококкози билан беморларни ташхислаш ва даволашда фойдаланилиши мумкин. Жигарнинг етиб бориш мураккаб бўлган қисмларидаги эхинококкозда жорий этилган резекция технологиялари, шунингдек, ультратовушли амалиёт вақтидаги навигацияни қўллаш қолдиқ бўшлиқни текшириш ва адекват антипаразитар қайта ишлаш имкони билан паразитар кистага максимал кириш ва кам қон йўқотишга эришиш имконини берган. Бирламчи ва қайталанган жигар эхинококкозининг асоратланган шаклини хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган оптимал тактикаси амалиёт натижаларини яхшилашга ва амалиётдан кейинги реабилитация муддатини қисқартиришга имкон берган. Ушбу патологияда хирургик тактикани танлашнинг замонавий позицияси ва хавф гуруҳида вазиятни баҳолашга асосланган асоратланган ЖЭ да даволаш-ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жигар эхинококкозининг асоратланган шакллари ташхислаш ва хирургик даволашни яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот натижалари бўйича:

«Жигар эхинококкозининг асоратланган шаклларида хирургик тактика хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 8н-д/237-сон маълумотномаси). Тавсиялар жигар эхинококкози хирургиясида асосий қоидаларга риоя қилиш: қолдиқ бўшлиқни текшириш ва адекват антипаразитар қайта ишлаш имкони билан паразитар кистага максимал кириш ва кам қон йўқотишга эришилган, бу эса геморрагик асоратларнинг умумий кўрсаткичини 14,8% дан 5,4% гача ишончли пасайтиришга имкон берган;

«Жигар эхинококкозининг асоратланган шаклларида хирургик тактика хусусиятларини танлаш дастури» ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 8н-д/237-сон маълумотномаси). Клиник-ташхислаш алгоритмининг қўллаш ЖЭ нинг турли шаклларида хирургик даволаш тактикасининг танлашни оптималлаштириш имконининг бериб, касалликнинг ўзига хос асоратлари ва қайталаниш хавфининг қисқартириш имконининг берган;

жигар эхинококкозининг асоратланган шакллари билан беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш сифатининг яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон ва Фарғона вилояти филиалларининг хирургия бўлимлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги 8н-д/237 сонли маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотнинг олинган натижалари жигар эхинококкози асоратланган шаклларида хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларининг такомиллаштириш, шунингдек, ижобий натижаларни 70,7% дан 87,9% гача ошириш, амалиёт вақтида ва ундан кейинги асоратларни 33,6% дан 7,9% га, ўлим кўрсаткичини 33,6% дан 0,7% гача пасайтириш имконининг берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 4 та мақола, улардан 2 таси республика, 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларининг эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, хотима, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва

предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Хирургияда жигарнинг катталашшига замонавий тенденциялар ва қарашлар эволюцияси**» деб номланган биринчи бобида жигар эхинококкози муаммолари, унинг этиопатогенези моҳиятини очиб берувчи адабиётлар шарҳи, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патологияли беморларни даволашдаги мавжуд муаммолар келтирилган. Бобда муаммо ҳолати, жигар эхинококкозининг асоратли кечиш таснифи ва патофизиологияси масалалари, жигар эхинококкози асоратларини ташхислашнинг замонавий усуллари, жигар эхинококкозини хирургик даволаш хусусиятлари очиб берилган.


Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва фойдаланилган усулларнинг клиник тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллари тасвирланган, клиник материаллар, тадқиқотнинг клиник ва инструментал усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқотда жигар эхинококкози бўлган 256 нафар бемор: кириш қийин бўлган интрапаренхиматоз жойлашувли асорат билан – 135 нафар бемор қорин бўшлиғидаги бузилиш – 85 та бемор; ўпка бўшлиғидаги бузилиш – 11 та бемор; билиар томирдаги бузилиш бўлган – 25 нафар бемор текширув натижалари асос бўлди.

Барча беморлар икки гуруҳга бўлинишди: асосий гуруҳ – 140 та бемор (2012 йилдан 2016 йилгача операция қилинган) ва назорат гуруҳи – 116 та бемор (2007 йилдан 2011 йилгача операция қилинган). Беморларни бўлишда 2012 йилдан такомиллаштирилган даволаш-ташхислаш тактикаларини жорий қилишга асосланди, ишлаб чиқилган алгоритм (ташхислаш ва тактик-техник жиҳатлар хусусиятлари диссертациянинг 3-бобида акс эттирилган)га мувофиқ, беморларда сегментэктомиянинг (СЭ) турли вариантлари амалга оширилди.

Жами ЖЭ ва қорин бўшлиғи эхинококкози таркибида кириш қийин бўлган кисталар 8,1% (1663 бемордан 135 тасида); қорин бўшлиғида емирилиш - 5,1% (85), ўпка емирилиши - 0,7% (11), ўт-қоп емирилиши - 1,5% (25)ни ташкил этди. Бунда бирламчи эхинококкозда қайталанувчи ЖЭ таркибидаги интрапаренхиматоз кисталарининг устунлиги - 11,3% қарши 7,3% ва аксинча бирламчи эхинококкоз таркибида қорин бўшлиғидаги емирилиш асорати - 5,9% қарши 1,8%. Асоратларнинг қолган шакллари частотасига кўра фарқ қилмаган (1-расм).

Беморларни комплекс текшириш тадқиқотнинг умумклиник лабораториявий ва инструментал усуллари билан бир қаторда киста ҳосиласини морфологик текширишни қамраб олди. Ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини баҳолаш учун текширишнинг эски усуллари билан бир қаторда нурли ва лабораториявий усулларни қамраб олувчи замонавий

усуллар қўлланилди. Олинган натижалар ишончилигига урғу берилиб статистик жиҳатдан қайта ишланди.




1-расм. Кўрсатилган ЖЭ асоратларининг қорин бўшлиғи органлари эхинококкози таркибида ривожланиш частотаси

Диссертациянинг «**Эхинококкознинг эмбрион элементлари ва фиброз капсулалар ўзаро таъсирининг морфологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби капсуланинг ички юзасига физик ёрдам кўрсатишнинг турли усуллари таъсири тадқиқотиغا бағишланган.

Эхинококкоз хирургиясининг баҳсли жиҳатларидан бири эхинококкэктомияда фиброз капсулани қолдириш ёки олиб ташлаш масаласи ҳисобланади. Капсулани қолдириш тарафдорлари фикрларини фиброз капсула атрофида етарлича йирик томирлар мавжудлиги, уларни олиб ташлаш қон кетишига сабаб бўлиши мумкинлиги билан асослашади. Аввалги тадқиқотлар паразит элементлари капсула ичида кўпайгани каби капсула ташқарисида ҳам микроорганизмлар учун кўпайиши билан капсула ўтказувчанлигини кўрсатди. Капсулани сақлаб қолишдаги ички юзасига физик ёрдам беришнинг турли усуллари – лазерли нурлантириш, ультратовуш ва бошқалар уларнинг паразитоцид таъсирини тасдиқлашга имкон бериши исботланди. Хирургияда, жумладан, эхинококкозни даволашда замонавий резекция технологиялари, хусусан, ультратовушли кавитатор «Cusa –EXEL+» ва боғлайдиган ускуна «Liga-Sure» дан фойдаланиш аввалги кўплаб ҳолатларни қайта кўриб чиқиш имконини берди. «Cusa –EXEL+» гемостатик таъсир кўрсатиши ва эҳтимол эхинококкознинг эмбрионал элементларига фиброз капсулаларни сақлаб қолиш имкони билан паразитоцид таъсир кўрсатиши мумкин.

Олиб борилган морфологик тадқиқотлар фиброз капсула таркибида тузилишига билан ўхшаш протоксолексларни аниқлаш имконини берди.

Улар, одатда, 2-3 протосколекслар билан кичик гуруҳларда жойлашишган. Протосколекслар атрофида кўпинча шиш жойлашувини акс эттирувчи «структурасиз» зоналар аниқланган. Протосколекслар морфологияси уларнинг яшовчанлигини тахмин қилиш имконини берди (2-расм).




2-расм. Протосколекс ва хитин қобикли чиқариш капсулалари. Г-Э 10x10

CUSA-технологиялари фиброз капсулада жойлашган простоклексларнинг сезиларли ўзгариради. Эмбрионал элементлар архитектураси бузилади. Ватрофида шиш шаклланади. Фиброз капсулаларда аниқланган протосколексларнинг ўзгаришлари уларнинг яшовчан эмаслигини кўрсатди. CUSA –технологиялардан фойдаланиш фиброз капсулалар яқинида жойлашган жигар тўқималари ўзгаришини келтириб чиқаради. Синусоидлар кенгайиши, жигар балоки дезинтеграцияси белгиланди. Капсула ва жигар тўқимаси шиш зонасида пайдо бўлади. Фиброз капсуладаги жигар тўқималарида етарлича йирик вакуолалар пайдо бўлиши кузатилди (3 ва 4-расмлар).




3-расм. Фиброз капсулада «структурасиз» зона пайдо бўлиши. CUSAдан фойдаланиш. Г-Э 10x10.




4-расм. Фиброз капсулада йирик вакуолалар. CUSAдан фойдаланиш. Г-Э 10x10.

Тадқиқотларимиз жигар хирургиясида CUSA-технологиялардан фойдаланиш бошқа ижобий хоссалар билан бир қаторда фиброз капсулада аниқланган протосколексларга паразитоцид таъсир кўрсатишини кўрсатди.

Бу фиброз капсулани сақлаб қолиш тўғри эканлигини акс эттиради. CUSA.-технология ва «Liga-Sure»дан комплекс фойдаланиш ҳам фиброз капсулаларни сақлаб қолиш имконини беради. Бунда фиброз капсула томирларида турли ўлчамдаги микротугунлар ҳосил бўлади, бу кўрсатилган услубнинг гемостатик таъсирини кўрсатади. Бу ўз навбатида, фиброз капсулаларни сақлаб қолиш зарурлигини акс эттиради (5 ва 6-расм).



5-расм. Фиброз капсулада деструкция пайдо бўлиши ўхшаш протосклексларнинг ҳосил бўлиши. CUSAдан фойдаланиш. Г-Э 10x40



6-расм Фиброз капсуладаги заиф акс этган жигар гепатоцитлари балоклари дезинтеграцияси. Шиш. CUSA. Г-Э 10x40.

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз натижалари жигар хирургиясида CUSA.-технологияларидан фойдаланиш бошқа ижобий хоссалар билан бир қаторда фиброз капсулада аниқланган протосклексларга паразитоцид таъсир кўрсатади. Бу фиброз капсулани сақлаб қолиш имконини беради, бир қатор вазиятларда эса бунинг самарали эканлигини кўрсатади. Шунингдек, CUSA.-технология ва «Liga-Sure»дан комплекс фойдаланиш натижалари ҳам фиброз капсулаларни сақлаб қолиш зарурлигини кўрсатади. Бунда фиброз капсула томирларида турли ўлчамдаги микротугунлар ҳосил бўлади, бу эса келтирилган усулларнинг гемостатик таъсирини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида фиброз капсулани сақлаш қолиш зарурлигини исботлайди.

CUSA.-технология ва «Liga-Sure»дан фойдаланишнинг бир қатор салбий вақтлари ҳам кузатилди. Улар фиброз капула ва унда жойлашган жигар тўқималарида «структурасиз» зона, йирик вакуолалар пайдо бўлишидир.

Шунингдек, жигарнинг балок тузилишининг бузилиши, синусоидларнинг кенгайиши ва жигар паренхимасида вакуолаларнинг пайдо бўлиши ҳам кузатилади. Бироқ аниқланган ўзгаришлар аралаш табиатга эга бўлиб, улар нисбатан чуқур эмас ва тарнзитор табиатга эга бўлиши ҳам мумкин.


Диссертациянинг «**Асоратли жигар эхинококкозида хирургик тактика ва даволаш-ташхислаш алгоритмини тузишнинг хусусиятлари**» деб номланувчи тўринчи бобида академик В. Воҳидов номидаги РИХИАМда ЖЭ ташхисланган беморларда пушбу касалликнинг асоратли кечиш жиҳатлари ўрганилишида қўлланган тактик-техник ёндашувлар ёритилган. Таъкидлаш зарурки, ЖЭнинг ҳар қандай асоратида хирургик гепатологиянинг замонавий қонунларига кўра, нафақат тўғри ташхис, балки клини кечишни тезкор прогнозлаш ҳам муҳим ўрин тутди ва операция аралашуви ҳажми ва вақтидалигига асосланади. Кўп беморлар хирургияда стационар даволанишга эхинококкоз касаллиги белгилари билан кўпинча жигар зарарланиши давомийлиги ва асоратли кечишни билмаган ҳолда келишади, бу операция аралашувларини муддати ва ҳажми борасида қарор қабул қилишни қийинлаштиради.

Бугунги кунда бирламчи ЖЭ асоратларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш шароитида асосий устувор йўналиш зарарланишнинг асорати табиати ва ҳажмини белгилаш билан юқори технологияли нурли ташхислаш; асоратнинг клиник кечиши оғирлик даражасини баҳолаш, зарарланган организмнинг захира функционаллилигини аниқлаш, эхинококкоз қайталаниши ривожланиш хавфи омилларини ўрганиш; билиар томирда эхинококкоз кистаси емирилишида хирургик тактикани стандартлаш; бўш бўшлиқ ёки ўпка бўшлиғида ЖЭ емирилишида тактикаларни стандартлаш; жигарнинг кириш қийин бўлган эхинококкоз кистасида хирургик тактикаларни стандартлаш; жигар эхинококкози қайталанишини олдини олиш учун ўзига хос фармакотерапия.

ЖЭни кириш қийин бўлган зоналарида хирургик даволашда юқори технологияли қонсиз технологияларни қўллаш ушбу касалликни даволашда асосий қоидаларга риоя қилишга, айнан: кистага минимал қон йўқотиш билан адекват кириш, барча апаразитар тамойилларга риоя қилишга имкон беради. ЖЭ асорати бўлган беморлар келтирилганда нурли ташхислашнинг барча комплекслари, эндоскопик ва эндоваскуляр технологиялардан фойдаланиш билан қизиқиш даражасини (жигарнинг магистрал томирлари, қорин ва ўпка бўшлиғи) полипозицион баҳолаш зарур.

Шунга кўра, билиар томирда емирилиш асорати бўлган ЖЭ да даволаш-ташхислаш тактикасининг асосий вазифаси: жигар етишмовчилиги даражасини баҳолаш ва ЭФГДС ни амалга ошириш учун кўрсатмаларни белгилаш; ЭПСТ билан шошилиш ЭФГДС ҳисобланади; жигар ичи холестаза ва ностабил генодинамикада, шунингдек, ЭПСТни амалга оширишнинг анатомик имкони бўлмаганда ЧХС тавсия қилинади; бундай асоратли беморларда охириги босқич жигар ЭЭ, холедохни дренажлаш билан холедохотомия ҳисобланади.

Жигарнинг кириш қийин бўлган жойларидаги эхинококкозда замонавий консиз технология (ультратовушлио фрагментатор-аспиратор "CUSA Excel®+", ультратовушли скальпел "Ultracision", электротермик аппарат "LigaSure"), шунингдек, ультратовушли интраоперацион навигацияни қўллаш хирургия ва паразитологияда асосий қоидалар, айнан: қолдиқ бўшлиқни адекват антипаразитар қайта ишлаш ва текшириш имкони билан паразитар кистага максимал кириб кам қон йўқотишга риоа қилишга эришиш имконини беради. "CUSA Excel®+" ва "LigaSure", шунингдек, ультратовушли интраоперацион навигациядан фойдаланиш ЖЭ асоратини хирургик даволаш имкониятларини сезиларли кенгайтиради, ушбу касалликни даволашда радикал ёндашувга нисбатан айрим эрта позицияларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.



Изоҳ: * - умумий аниқлик, сезувчанлик ва ахборийликда жигар ва қорин бўшлиғи УЗС хирургик тактикани танлашда ташхислашнинг мустақил усули бўлиши мумкин.

** - МСКТ аниқ дифференция ва киста жигарнинг кириш қийин бўлган (7-8 сегментлар) ва магистрал томирларга яқин жойда жойлашганда зарур.

*** - ЧЧХС ЭФГДС ни амалга оширишнинг анатомик қийинчиликларида (Бильрот-2 бўйича ошқозон резекциясида; ДПКнинг мураккаб дивертикулалари) ёки ностабил гемодинамикасида холестознинг клиник акс этишида қўлланилади

****- жигарда эхинококкоз кистасини тўлиқ олиб ташлашда умумий ўт-қоп оқимида давомида адекват ЭПСТ очик жарроҳлик аралашувини амалга ошириш кўрсатилмаган (Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г., 2016).

***** - Кимётерапия академик В. Воҳидов номидаги РИХИТМ протоколига кўра олиб борилади ва жарроҳлик аралашувидан сўнг 2 йил давомида ҳар уч ойда УЗС билан назорат қилинади.

6-расм. Асоратли ЖЭда даволаш-тактик алгоритм

Қорин бўшлиғида емирилишда даволаш тактикаси қорин бўшлиғини даволаш билан белгиланади ва қолдиқ бўшлиқни дренажлаш билан жигардан ЭЭ билан чегараланди. Ўпка бўшлиғидаги ЖЭ емирилишида ажратиб кириш асосий дақиқа ҳисобланади: трансторакал – ўпка бўшлиғига ва лапаротомик – жигарга, шунингдек, ушбу соҳаларни билиопульмонал тешиқдан ажратиб дренажлаш.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, клиник вазиятни ярим позицион баҳолаш ва жами даволаш тактикаларини қўллашга асосланган, ЖЭ асорати бўлган беморларни даволаш-ташхислаш алгоритминини киритилган қуйидаги схема тақдим этилади (6-расм).

Шундай қилиб ушбу алгоритмни тузишдан мақсад ушбу патологияни замонавий босқичда учтун бўлган позицияни ҳисобга олиб мавжуд тажрибаларни умумлаштиришдан иборат. Айнан эндоскопик аралашувлар имкониятидан клиник вазиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш оптимал хирургик тактикани танлашда муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Жигар эхинококкозининг асоратларини хирургик даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш**» тақдим этилган алгоритмни жорий этишнинг шахсий натижалари баҳолашнинг барча асосий жиҳатлари ҳисобга олиб келтирилган.

ЖЭ асорати бўлган беморларни даволаш тактикасини танлаш замонавий хирургиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Касалхонада даволашнинг барча босқичлари ривожланган асоратлар ва унинг бошқа орган ва тизимларга таъсирининг оғирлик даражаси текширилишига ҳамда даволашнинг оптимал усулини танлашга индивидуал ёндашишни тала этади. Даволаш тактикасини танлаш учун тақдим этилган алгоритм операцияга бўлган ҳолатни объектив баҳолаш, шунингдек, хирургик ёрдам бериш сифатини оширишда юқори самарадорликни кўрсатди. Олиб борилган тадқиқотлар интрапаренхиматозли кириш қийин бўлган киста УЗД маълумотларига кўра интраоперацион топик хариталаш билан бирга ЖЭ хирургиясида замонавий резекция технологияларидан фойдаланиш ўзига хос асоратларни 31,1% (19)дан 10,8%гача (8) геморрагик асоратларни - 14,8% (9) дан 5,4% (4)гача ишончли пасайтиришга ($P<0,001$) ва мос равишда ўлим частотасини 3,3%дан 1,4%гача, касалхонада даволаниш даврини $16,2\pm 1,2$ дан $11,1\pm 0,9$ кунгача қисқартириш имконини берди ($P<0,01$).

Қорин бўшлиғида ЖЭ емирилишида перинонитнинг типик клиникаси йўқлигида метаболик бузилишни тузатиш мақсадида эҳтиёткорлик билан операция қилиш учун операциядан олдинги тайёргарлик билан тактикани стандартлаш операциядан кейинги асоратларни 19,5% (9) дан 9,1% (4)гача ва мос равишда касалхонада даволаниш муддатини $14,1\pm 0,6$ дан $12,1\pm 0,6$ кунгача қисқартириш имконини берди ($P<0,05$).

ЖЭ асоратли шаклларида бири ўпка бўшлиғи емирилиши ҳисобланади, бунда қорин ва ўпка бўшлиғига икки йўлда кириш, давомида ажратиб дренажлашдан фойдаланиб жарроҳлик аралашувини амалга ошириш операциядан кейинги асоратларни икки баробар камайтириш ва

касалхонада даволаниш муддатини $18,4 \pm 0,9$ дан $14,5 \pm 0,8$ кунга қисқартириш имконини берди ($P < 0,05$).

ЖЭни хирургик даволашнинг икки босқичли тактикаси қўллаш, биливр томирда емирилиш асоратида хитинли қобикнинг бирламчи эндоскопик экстракцияси ва кейинчалик операция қилиб даволаш операциядан кейинги асоратларни умумий кўрсаткичларини 44,4% (4) дан 18,8% (3) гача ишончли пасайтиришга ($P < 0,001$), ўлим кўрсаткичини ниверлаш ва касалхонада даволаниш муддатини $16,7 \pm 0,7$ дан $14,5 \pm 0,6$ кунгача қисқартиришга имкон берди ($P < 0,05$). Такдим этилган алгоритм асосида асоратли ЖЭни хирургик даволашнинг тактик-тезлик жиҳатларини такомиллаштириш ижобий натижаларни 70,7% дан 87,9% гача оширишга, ўзига хос интра- ва операциядан кейинги асоратларни 33,6% дан 7,9% гача, ўлим кўрсаткичларини 2,6% дан 0,7% гача камайтиришга ($P < 0,001$) ва касалхонада даволаниш даврини $16,3 \pm 0,9$ дан $12,9 \pm 0,7$ кунгача қисқартиришга имкон берди ($P < 0,01$).

ХУЛОСА

1. ЖЭ ва қорин бўшлиғи органларида кириш қийин бўлган кисталар 8,1% ни; қорин бўшлиғидаги бузилиш билан эхинококкоз 5,1%, ўпка бўшлиғидаги эхинококкоз 0,7%, ўт-қопда эхинококкоз 1,5% ни ташкил этди.

2. Марказий Осиё минтақасида *E. Veterinorum* келтириб чиқарган, финналарда ривожланишнинг турли босқичларидаги кўплаб протосколексли чиқиш капсулаларининг мавжудлиги билан фарқланувчи, фиброз капсулаларда фаол яшовчан жигар эхинококкози кўп учрайди.

3. Сўнгги замонавий ва хирургик ютуқлар ва ривожланиш даражаси, жумладан резекция ва трансплантация усуллари, технологиялар ушбу касалликнинг радикал даволашга нисбатан айрим позициялар ва ёндашувларни кўриб чиқиш ҳамда жигар эхинококкозини ташхислаш ва операцион даволаш натижаларини сезиларли яхшилаш имконини берди.

4. ЖЭ хирургиясида қодик бўшлиқни қайта ишлашда ультратовушли технологиялардан фойдаланиш протосколексларда мутлақо паразитар таъсир кўрсатади, бу жигар резекциясини амалга оширишга кўрсатма бўлмаганда мажбурий альбендазол ҳосилали адьювант кимётерапия билан фиброз капсулани сақлаб қолиш имконини беради.

5. Жигарнинг резекция амалга ошириш қийин бўлган қисмидаги эхинококкозда замонавий қонсиз технология (ультратовушли фрагментатор-аспиратор "CUSA Excel[®]+", электротермик аппарат "LigaSure"), шунингдек, ультратовушли интраоперацион навигацияни қўллаш хирургия ва паразитологияда, айнан: қолдиқ бўшлиқни текшириш ва адекват антипаразитар қайта ишлаш билан паразитар кистага максимал кириш орқали кам қон йўқотишнинг асосий қоидаларига риоя қилишга имкон берди, бу ўзига хос асоратларни 31,1% дан 10,8% га (геморрагик - 14,8% дан 5,4% га) ($P < 0,001$), ўлим кўрсаткичларини 3,3% дан 1,4% га ва касалхонада даволаниш даврини $16,2 \pm 1,2$ дан $11,1 \pm 0,9$ кунгача камайтириш имконини берди ($P < 0,01$).

6. Қорин бўшлиғида ЖЭ бузилишида перитонитнинг типик клиникаси йўқлигида метаболик бузилиш тузатиш мақсадида авайлаб операция қилиш учун операциядан олдинги тайёргарлик билан тактикани стандартлаш операциядан кейинги асоратларни 19,5% (9) дан 9,1% (4) гача пасайтиришга вавос равишда касалхонада даволанишни $14,1 \pm 0,6$ дан $12,1 \pm 0,6$ кунгача қисқартиришга имкон берди ($P < 0,05$).

7. Ўпка пардаси бузилиши асорати бўлган ЖЭда қорин ва ўпка бўшлиғига кириш орқали жарроҳлик аралашуви ва давомида алоҳида дренажлашни амалга ошириш операциядан кейинги асоратларни эрта ривожланиш хавфини икки мартага камайтириш ва касалхонада даволанишни $18,4 \pm 0,9$ дан $14,5 \pm 0,8$ кунгача қисқартириш имконини беради ($P < 0,05$).

8. Хитин қобикнинг бирламчи эндоскопик экстракциясини амалга ошириш ва кейинги операция усули билан билиар томирда асоратли бузилган ЖЭни хирургик даволашнинг икки босқичли тактикасини қўллаш операциядан кейинги асоратларни 44,4%дан (4) 18,8%гача (3) ишончли пасайтиришга ($P < 0,001$), ўлим кўрсаткичини нивелирлашга ва касалхонада даволаниш даврини $16,7 \pm 0,7$ дан $14,5 \pm 0,6$ кунгача қисқартириш имконини берди ($P < 0,05$).

9. Тақдим этилган алгоритм асосида асоратли ЖЭни хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш ижобий натижаларни 70,7%дан 87,9%га оширишга, ўзига хос интра- ва операциядан кейинги асоратлар частотасини 33,6%дан 7,9%гача, ўлим кўрсаткичларини 2,6%дан 0,7%гача пасайтиришга ($P < 0,001$) ва даволаниш муддатини $16,3 \pm 0,9$ дан $12,9 \pm 0,7$ кунгача қисқартиришга ($P < 0,01$) имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

СИРОЖИТДИНОВ КАМОЛ КОМИЛОВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ХИРУРГИЧЕСКОЙ ТАКТИКИ ПРИ
ОСЛОЖНЕННЫХ ФОРМАХ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.1.PhD/Tib599.

Диссертация выполнена в Республиканском Специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова».

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный консультант: | Назиров Феруз Гафурович доктор медицинских наук, профессор, академик |
| Официальные оппоненты: | Акилов Хабибулла Атауллаевич доктор медицинских наук, профессор Хакимов Мурод Шавкатович доктор медицинских наук, профессор |
| Ведущая организация: | ФГБУ «Национальный медико-хирургический центр имени Н.И. Пирогова» Министерства здравоохранения Российской Федерации |

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01при Республиканском специализированном центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирован за №65). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан«__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Х.К. Абролов

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Эхинококкоз, является тяжелым паразитарным заболеванием и «продолжает оставаться серьезной медицинской и социальной проблемой во многих странах мира»¹. По некоторым оценкам, «в настоящее время этой патологией поражено более 1 миллиона человек, при этом заболеваемость в некоторых эндемичных и неэндемичных регионах различается более чем в 200 раз, а в последнее десятилетие отмечается и расширение географических границ болезни»². Узбекистан относится к эндемичным регионам в отношении эхинококкоза, с выявляемой частотой заболеваемости - 5,82 случаев на 100 тыс. населения, с устойчивой тенденцией к росту и ежегодным ущербом более 5 млрд. сум. Широкое внедрение в клиническую практику современных высокоинформативных инструментальных методов исследования позволило существенно улучшить раннюю диагностику эхинококкоза и его осложнений. Однако, даже после комплексного лучевого обследования на ранних стадиях заболевания правильный диагноз ставится лишь у 46% больных. От 37% до 86% пациентов поступают в стационар в стадии клинических осложнений паразитарного заболевания, лечение которых в большинстве случаев ограничено традиционными хирургическими подходами. При этом, несмотря на достижения современной хирургии и внедрение новых технологий, процент осложнений и летальности при данной патологии не имеет существенной тенденции к снижению и остается высоким, в связи с чем дальнейшие исследования в этом направлении остаются в ряду приоритетных.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований для изучения патогенеза развития эхинококкоза различных локализаций, в том числе определение распространенности этой патологии с учетом географических особенностей, верификация предрасполагающих факторов с уточнением морфо-функциональных критериев оценки тяжести течения заболевания и прогностической дифференцировки возможных групп осложнений, среди которых к наиболее частым и сложным формам относится поражение печени. Продолжаются исследования причинно-следственных связей развития гигантских, множественных, сочетанных и других форм эхинококкоза печени (ЭП) в зависимости от иммунного статуса, жизненного цикла и морфологического вида паразита, гистоструктуры фиброзной капсулы и анатомо-функционального состояния гепатоцитов, степень которого варьирует от незначительных нарушений вплоть до цирроза печени. Особо приоритетными являются вопросы изучения ультраструктурных и морфологических изменений при внутрипеченочной

¹ Benkabbou A., Souadka A., Serji B. et al. Changing paradigms in the surgical management of cysti liver hydatidosis improve the postoperative outcomes. //Surgery. 2016 Apr;159(4):1170-80.

² Marom G, Houry T, Gazla SA, Merhav H, Padawar D, Benson AA, Zamir G, Luques L, Safadi R, Khalaileh A. Operative treatment of hepatic hydatid cysts: A single center experience. // Asian J Surg. 2018 Nov 13. pii: S1015-9584(18)30548-7.

локализации эхинококковой кисты и степень восстановления печени в отдаленном послеоперационном периоде в зависимости от вида вмешательства.

